	коллекторидан			
4.	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғидан, жами			
	<i>шу жумладан:</i>			
	-сон қудуқдан			
	-сон қудуқдан			
	Жами			

9. Уюшмага сувдан фойдаланишга:

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ сувдан фойдаланиш тартиби талаблари таъминланганда;

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ сув ва сув объектларини муҳофаза қилиш талаблари таъминланганда;

ички сув олиш тармоқлари сувни тартибга солиш ва ҳисобга олиш воевалари билан жиҳозланганда;

суғориш сувини сув лимитига мувофиқ етказиб бериш, суғориш тармоғининг ён нишабликлари ва ўзани ва бошқаларнинг кўчишига ва ювилиб кетишига олиб келадиган сув тармоғидан сув объектларига сув ташлама-ларига йўл қўймаслик орқали сув ресурсларини оқилона бошқариш ва улاردан фойдаланиш таъминланганда руҳсат этилади.

Суғориш тармоғидан оқова сувларни оқова сувлар ва коллектор-дренаж тармоғига, шунингдек бошқа сув объектларига оқизиб юборишга иқтисодиёт тармоқларига жиддий иқтисодий ва ижтимоий зарар етказиши мумкин бўлган сел ва тошқин ҳодисалари ҳамда аварияларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва камайтириш билан боғлиқ истисно ҳолатларда йўл қўйилади.

10. Сувдан фойдаланишнинг бошқа шартлари:

Сувдан фойдаланувчи

Ишлаб чиқувчи

(сув истеъмолчилари уюмасининг номи)

(ташкilotнинг номи)

Раҳбар _____

(Ф.И.О.)

Раҳбар _____

(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

(имзо, муҳр)

20__ йил «__» _____

(имзо, муҳр)

«Келишилди»

«Келишилди»

(органининг номи)

(органининг номи)

Раҳбар _____

(Ф.И.О.)

Раҳбар _____

(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____

(имзо, муҳр)

20__ йил «__» _____

(имзо, муҳр)

Сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатномага
ИЛОВА

**Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган
фермер хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда
бошқа сув истеъмолчилари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг номи	Фаолиятининг асосий йўналиши	Сугориладиган майдон, га	Бошқа тавсифлари	Сув айириш тармоқлари:		Жами сув олиш, минг куб м	шу жумладан:	
					жами, та	шу жумладан сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозлангани		қуз-қиш даврида	вегетация даврида
I.	Қишлоқ хўжалиги, жами								
A	Фермер хўжаликлари, жами								
	<i>шу жумладан:</i>								
1.									
2.									
3.									
Б	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жами								
	<i>шу жумладан:</i>								
1.									
2.									
II.	Саноат, жами								
	<i>шу жумладан:</i>								
1.									
2.									
III.	Балиқчилик хўжалиги, жами								
	<i>шу жумладан:</i>								
1.									
2.									
	Жами								

325-модда

— 70 —

25 (577)-сон

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

«Берилди»

_____ (рухсатнома берган сув истеъмолчилари уюшмасининг номи)

_____ (Ф.И.О.)

_____ (рухсатнома берган шахснинг лавозими)

_____ (имзо ва муҳр)

СУВНИ МАХСУС ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ УЧУН РУХСАТНОМА

(сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ва
деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа
сув истеъмолчилари учун)

№ _____

(рўйхатдан ўтказиш рақами)

Сув истеъмолчиси: _____

(сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ва
деҳқон хўжалигининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг ҳамда
бошқа сув истеъмолчиларининг номи ва унинг жойлашган жойи)

Берилган санаси	20__ йил «__» _____
Амал қилиш муддати	20__ йил «__» _____гача
Амал қилишнинг узайтирилган муддати	20__ йил «__» _____гача
Узайтирилган санаси	20__ йил «__» _____

_____ (Ф.И.О.)

_____ (рухсатнома муддатини узайтирган шахснинг лавозими)

_____ (имзо ва муҳр)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.

1. Сувни махсус истеъмол қилиш учун берилган ушбу рухсатнома тегишли сув истеъмолчилари уюшмалари билан сув объектларидан сув олишга ва сув истеъмолига белгиланган тартибда шартнома тузиш учун асос ҳисобланади.

2. Сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга 18-иловага мувофиқ тақдим этилган материаллар асосида берилган.

3. Сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчиси суғориладиган майдонларининг тузилмаси:

Т/р	Қишлоқ хўжалиги экиннинг номи	Суғориладиган майдон, га
1.	Ўўза (фермер хўжалиги учун)	
2.	Кузги бошоқли дон экинлари (бугдой ва арпа)	
3.	Боғлар	
4.	Токзорлар	
5.		
	Жами	

4. Суғоришнинг асосий манбалари номи ва сув олиш усуллари:

Т/р	Суғориш манбаининг номи (дарё, сой, канал, коллектор-дренаж тармоғи, қудуқ ва бошқалар)	Сув олиш усули (ўзи оқади, машина воситасида олинади)	Сув олиш иншоотининг рўйхатдан ўтказилган рақами	Сув олиш тармоқларининг жиҳозланганлиги	
				сув олиш иншоотининг тури	сув ўлчагичнинг тури
1.					
2.					
3.					

5. Балиқчилик хўжалиги сув хавзалари сувидан фойдаланилган тақдирда балиқларни муҳофаза қилиш иншоотларининг мавжудлиги: _____

(иншоотнинг жойлашган жойи, тури ва бошқалар)

6. Суғориш режими бўйича сув истеъмолининг мақсади ва ҳисобланган ҳажми:

Т/р	Сув истеъмолининг мақсади	Майдони, га (охирги уч йилда ўртача)	Жами сув олиш ҳажми, минг куб м	шу жумладан:	
				куз-қиш даврида, минг куб метр	вегетация даврида, минг куб метр
1.	Шўрланган ерларни ювиш, жами				
	<i>шу жумладан:</i>				
	кучли шўрланганлари				

Т/р	Сув истеъмолининг мақсади	Майдони, га (охирги уч йилда ўртача)	Жами сув олиш ҳажми, минг куб м	шу жумладан:	
				қуз-қиш даврида, минг куб метр	вегетация даврида, минг куб метр
	ўртача шўрланганлари				
	кам шўрланганлари				
2.	Бошоқли дон экинларини суғориш, жами				
	<i>шу жумладан:</i>				
	экишдан олдин, шу жумладан шўрни ювиш				
	вегетация суғоришлари				
3.	Ўзани суғориш, жами				
	<i>шу жумладан:</i>				
	нам тўплаш суғориши				
	вегетация суғориши				
4.	Богларни суғориш				
5.	Токзорларни суғориш				
	<i>Жадвалга сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўр- сатиладиган мазкур фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчиси қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турлари киритилади.</i>				
	Жами				

7. Манбалар бўйича фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда сув истеъмолчилари уюшмаси хизмат кўрсатадиган бошқа сув истеъмолчиси томонидан сув олишнинг норматив-ҳисобланган чекланган ҳажми:

Т/р	Сув олиш манбаи	Жами сув олиш ҳажми, минг куб м	шу жумладан:	
			қуз-қиш даврида, минг куб метр	вегетация даврида, минг куб метр
1.	Асосий ер усти манбаларидан, жами			
	<i>шу жумладан:</i>			
	дарёдан			
	сойдан			
	каналдан			
2.	Суғориш қудуқларидан, жами			
	<i>шу жумладан:</i>			
	-сон қудуқдан			
	-сон қудуқдан			
3.	Очиқ коллектор-дренаж тармоғидан, жами			
	<i>шу жумладан:</i>			
	коллекторидан			
4.	Ёпиқ коллектор-дренаж тармоғидан, жами			
	<i>шу жумладан:</i>			
	-сон қудуқдан			
	-сон қудуқдан			
	Жами			

8. Фермер ёки деҳқон хўжалигига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига ҳамда сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатадиган бошқа сув истеъмолчисига сув истеъмолига:

«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ сув истеъмоли тартиби талаблари таъминланганда;

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ сув ва сув объектларини муҳофаза қилиш талаблари таъминланганда;

сув олиш тармоқлари сувни тартибга солиш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганда;

ортиқча сув сарфлаб сугоришларга ҳамда оқова сувларни сугориладиган далалардан ва сугориш тармоғидан сув объектларига оқизишнинг кўчкларга ҳамда нишабликлар ва ўзанларнинг ювилиб кетишига ва шу кабиларга сабаб бўлишига йўл қўймаган ҳолда сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш таъминланганда рухсат этилади.

9. Сув истеъмолининг бошқа шартлари:

Сув истеъмолчиси

Ишлаб чиқувчи

(сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчисининг номи)

(ташкилотнинг номи)

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____
(имзо, муҳр)

20__ йил «__» _____
(имзо, муҳр)

«Келишилди»

(туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимининг номи)

Раҳбар _____
(Ф.И.О.)

20__ йил «__» _____
(имзо, муҳр)

2. Таъсис хужжатларининг нусхаси.

3. Хўжалик фаолияти (ишлаб чиқаришнинг мақсади, қуввати, технологик цикл ва бошқалар), сувни муҳофаза қилишнинг ҳолати, сувни чиқариб ташлаш, тозалаш иншоотларининг таркиби ва иши, оқова сувларни қабул қилувчининг тавсифи, ишлайдиганлар ва бир йилдаги иш кунларининг сони, ободонлаштириш даражаси, аҳоли пунктидаги аҳоли сони (аҳоли пунктини сув билан таъминлашда), суғориладиган ерлар майдонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар.

4. Сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига тааллуқли лойиҳасмета хужжатларининг асосий қоидаларидан кўчирма.

5. Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг мақсади тўғрисида батафсил ахборот.

6. Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси, сув объектлари фаолият кўрсатиш, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли манбалари (сув олиш ва оқова сувларни ташлаш нуқталари) ҳудудлари жойлашган жойи кўрсатилган картографик материаллар.

7. Фойдаланиладиган сув объектларининг, сув олиш иншоотларининг қуввати ва техника билан жиҳозланганлиги (насос агрегатлари ва ёрдамчи иншоотлар, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, ичимлик ва техник мақсадларга мўлжалланган қудуқлар ва улардаги иншоотлар) ва сувни тозалаш ва тайёрлаш станциялари (ичимлик, техник, канализацияга оид), рўйхатга олинган сув айирмалари нуқталари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.

8. Сув айириш тармоқлари рўйхати ҳамда сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлиги ҳолати тўғрисидаги ахборот.

9. Манбалар (ер усти, ер ости, шаҳар сув қувурлари, шаҳар канализацияси, жойнинг рельефи ва бошқалар) бўйича сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмол, оқова сувларни оқизиб юборишнинг лойиҳадаги ёки норматив-ҳисобланган режаси.

10. Сув объектлари ёки жой рельефига оқова сувлар ташланадиган манба ва ташлама сув ресурсларининг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

11. Тозалаш иншоотлари иши устидан лаборатория назоратини ҳамда оқова сувлар билан бирга оқизиб ташланадиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисобга олишнинг ташкил этилганлиги тўғрисидаги маълумот.

12. Ерлар кадастри тўғрисидаги маълумотлар.

13. Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқлар ёнидаги полосалар, шунингдек санитария муҳофазаси зоналари тўғрисидаги маълумотлар, уларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш шартлари бўйича аниқ тадбирлар.

14. Балиқларни муҳофаза қилиш иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг конструкциялари тўғрисидаги маълумотлар (балиқчилик хўжалиги сув хавзаларида).

15. Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мўлжалланган тадбирлар тўғрисидаги маълумот.

16. Сув таъминоти ҳамда оқова ва жала сувларини канализациялаш схемаси.

17. Давлат экологик экспертизаси органларининг экологик оқибатлар тўғрисидаги аризага (ЭОА) хулосаси, оқова сувлар сув объектлари ёки жой рельефига чиқариб ташланадиган бўлса, ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламалар (ЙҚЧТ)нинг экологик меъёрлари лойиҳаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
11-ИЛОВА

**Саноат, коммунал, транспорт ва бошқа ноқишлоқ
хўжалиги мақсадларида сув объектларидан фойдаланувчи
жисмоний шахслар томонидан Сувдан махсус фойдаланиш
ёки сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш
учун тақдим этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тўғрисида ариза.

2. Якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

3. Хўжалик фаолияти (ишлаб чиқаришнинг мақсади, қуввати, технологик цикл ва бошқалар), сувни муҳофаза қилишнинг ҳолати, сувни чиқариб ташлаш, тозалаш иншоотларининг таркиби ва иши, оқова сувларни қабул қилувчининг тавсифи, ишлайдиганлар ва бир йилдаги иш кунларининг сони, ободонлаштириш даражаси, аҳоли пунктидаги аҳоли сони (аҳоли пунктини сув билан таъминлашда), суғориладиган ерлар майдонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари турлари ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар.

4. Сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига тааллуқли лойиҳа-смета ҳужжатларининг асосий қоидаларидан кўчирма.

5. Сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмолининг мақсади тўғрисида батафсил ахборот.

6. Сувдан фойдаланувчи ёки сув истеъмолчиси фаолият кўрсатадиган участкасининг жойлашган жойи, сув объектлари, шу жумладан сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли учун фойдаланиладиган манбалар (сув олиш ва оқова сувларни ташлаш тармоқлари) кўрсатилган схема.

7. Фойдаланиладиган сув объектларининг, сув олиш иншоотларининг қуввати ва техника билан жиҳозланганлиги (насос агрегатлари ва ёрдамчи иншоотлар, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, ичимлик ва техник мақсадларга мўлжалланган қудуқлар ва улардаги иншоотлар) ва сувни тозалаш ва тайёрлаш станциялари (ичимлик, техник, канализацияга оид), рўйхатга олинган сув айирмалари нуқталари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати.

8. Сув айириш тармоқлари рўйхати ҳамда сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлиги ҳолати тўғрисидаги ахборот.

9. Манбалар (ер усти, ер ости, шаҳар сув қувурлари, шаҳар канализацияси, жойнинг рельефи ва бошқалар) бўйича сувдан фойдаланиш ёки сув истеъмоли, оқова сувларни оқизиб юборишнинг лойиҳадаги ёки норматив-ҳисобланган режаси.

10. Сув объектлари ёки жой рельефига оқова сувлар ташланадиган манба ва ташлама сув ресурсларининг миқдори ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

11. Тозалаш иншоотлари иши устидан лаборатория назоратини ҳамда оқова сувлар билан бирга оқизиб юбориладиган ифлослантирувчи моддаларни ҳисобга олишни ташкил этиш тўғрисидаги ахборот.

12. Ерлар кадастри тўғрисидаги маълумотлар.

13. Сувни муҳофаза қилиш зоналари ва қирғоқлар ёнидаги полосалар, шунингдек санитария муҳофазаси зоналари тўғрисидаги маълумотлар, уларни ташкил этиш ва улардан фойдаланиш шартлари бўйича аниқ тадбирлар.

14. Балиқларни муҳофаза қилиш иншоотларининг мавжудлиги ва уларнинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар (балиқчилик хўжалиги сув ҳавзаларида).

15. Сувларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мўлжалланган тадбирлар.

16. Оқова ва жала сувлари билан таъминлаш ва улар учун канализация қуриш схемаси.

17. Давлат экологик экспертизаси органларининг экологик оқибатлар тўғрисидаги аризага (ЭОА) хулосаси, оқова сувлар сув объектлари ёки жой рельефига чиқариб ташланадиган бўлса, ифлослантирувчи моддаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган чегаравий ташламалар (ЙҚЧТ)нинг экологик меъёрлари лойиҳаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
12-ИЛОВА

**Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун
ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари томонидан
тақдим этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. Ҳавза бошқармасининг сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, корхонанинг барча реквизитлари кўрсатилган аризаси.

2. Магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, ирригация тизимла-

ри бошқармалари рўйхати. Сув хўжалиги объектларининг асосий тавсифлари (узунлиги, энг кўп сув сарфи, сув тақсимлаш иншоотларининг сони ва номи, филтрланишга қарши тадбирлар, фойдали иш коэффициентини). Гидротехника иншоотларининг техник жиҳозланганлиги ва лойиҳадаги қуввати.

3. Ҳавза бошқармаси ва ирригация тизимлари бошқармалари томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг масштаби (1:50000) харитаси, унда сув объектлари (дарёлар, сойлар, ирригация ва коллектор-дренаж тизимлари, насос станциялари, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари, улардаги асосий иншоотлар), рўйхатдан ўтказилган сув тақсимлаш тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

4. Ҳавза бошқармаси ва ирригация тизимлари бошқармалари томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг мелиоратив харитаси ҳамда мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

5. Ҳавза бошқармаси хизмат кўрсатадиган суғориладиган майдонда жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари.

6. Ҳавза бошқармаси хизмат кўрсатадиган зоналарининг гидромодул райони ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими тўғрисидаги ахборот.

7. Ирригация тизимлари ва суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда манбалар бўйича сувдан фойдаланишнинг ҳисобланган режаси ва сув олишнинг чекланган ҳажми.

8. Ҳавза бошқармаси фойдаланадиган коллектор-дренаж тармоғи сувларининг сарфи ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

9. Ирригация тизимлари ва суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициентини ошириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш, шунингдек уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
13-ИЛОВА

**Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун сув
омборлари (гидроузеллар)дан фойдаланиш бошқармалари
томонидан тақдим этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. «_____» сув омбори (гидроузели)дан фойдаланиш бошқармасининг сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, корхонанинг барча реквизитлари кўрсатилган аризаси.

2. Магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, ирригация тизимлари бошқармаларининг рўйхати. Сув хўжалиги объектларининг асосий тав-

сифлари (узунлиги, сув сарфлашнинг энг кўп миқдори, сув айиргичларнинг сони ва номи, филтрланишга қарши тадбирлар, фойдали иш коэффициентлари). Гидротехника иншоотларининг техника билан жиҳозланганлиги ва лойиҳадаги қуввати.

3. «_____» сув омбори (гидроузели)дан фойдаланиш бошқармаси томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг масштаби (1:50000) харитаси, унда сув объектлари (дарёлар, сойлар, ирригация ва коллектор-дренаж тизимлари, насос станциялари, улардаги асосий иншоотлар), сув олишларнинг рўйхатдан ўтказилган тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

4. «_____» сув омбори (гидроузели)дан фойдаланиш бошқармаси хизмат кўрсатадиган суғориладиган майдонда жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари тўғрисидаги ахборот.

5. «_____» сув омбори (гидроузели)дан фойдаланиш бошқармаси хизмат кўрсатадиган қишлоқ хўжалиги экинлари зоналарининг гидромодул райони ва суғориш режимлари тўғрисидаги ахборот.

6. Ирригация тизимлари ва суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициентини ҳисобга олган ҳолда, манбалар бўйича сувдан фойдаланишнинг ҳисобланган режаси ва сув олишнинг чекланган ҳажми.

7. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни ҳисобга олиш, шунингдек уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
14-ИЛОВА

**Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун
ирригация тизими бошқармалари томонидан тақдим
этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. Ирригация тизими бошқармасининг сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, корхонанинг барча рекузитлари кўрсатилган аризаси.

2. Корхона балансида бўлган сув хўжалиги объектларининг рўйхати, уларнинг техник тавсифлари (узунлиги, сув ўтказиш қуввати, гидротехника иншоотларининг, шу жумладан сув айиргичларнинг сони ва номи, филтрланишга қарши тадбирлар, каналлар ва ирригация тизимининг фойдали иш коэффициенти ва бошқалар).

3. Хизмат кўрсатиладиган сув истеъмолчилари уюшмаларининг, иловага мувофиқ бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг рўйхати.

4. Бошқарма томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг масштаби (1:25000 ёки 1:50000) харитаси, унда хизмат кўрсатиладиган сув истеъмолчилари уюшмаларининг, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг сув объектларининг (ирригация ва коллектор-дренаж тизимлари, насос агрегатлари, суғориш қудуқлари ҳамда вертикал дренаж қудуқлари ва улардаги асосий иншоотларнинг), сув айиргичларнинг рўйхатдан ўтказилган тармоқларининг чегаралари ва бошқалар кўрсатилади.

5. Бошқарма томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг мелиоратив харитаси ҳамда мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

6. Бошқарма хизмат кўрсатадиган суғориладиган майдонда жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари тўғрисидаги ахборот.

7. Бошқарма хизмат кўрсатадиган қишлоқ хўжалиги экинлари зоналарининг гидромодул районлари ва суғориш режимлари тўғрисидаги ахборот.

8. Сув объектининг фойдали иш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда манбалар бўйича сувдан фойдаланишнинг ҳисобланган режаси ва сув олишнинг чекланган ҳажми.

9. Бошқарма фойдаланадиган коллектор-дренаж тармоғи сувларининг сарфланиши ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

10. Ирригация тизими ва хўжалик суғориш тармоғининг фойдали иш коэффицентини ошириш, дренаж сувларини оқизиб юборишни камайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
15-ИЛОВА

**Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун
насос станциялари бошқармалари томонидан тақдим
этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. «_____» насос станциялари бошқармасининг сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, корхонанинг барча реквизитлари кўрсатилган аризаси.

2. «_____» насос станциялари бошқармаси балансидаги насос станциялари ва суғориш қудуқлари рўйхати, сув олиш манбалари ва жойи, асосий параметрлари, сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлик, хизмат кўрсатиладиган суғориладиган майдон, шунингдек хизмат кўрсатиладиган зонадаги сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари рўйхати.

3. «_____» насос станциялари бошқармаси балансидаги мелиоратив насос станциялари ва вертикал дренаж қудуқлари рўйхати, сув олиш манбаи ва сув қабул қилувчининг номи, сув олиш жойлари, асосий параметрлари, сувни ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлик, хизмат кўрсатиладиган суғориладиган (мелиорацияланадиган) майдон, шунингдек хизмат кўрсатиладиган зонадаги сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари рўйхати.

4. Ушбу рухсатноманинг иловасига мувофиқ хизмат кўрсатиладиган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, ирригация тизимлари бошқармалари, сув омборлари бошқармалари, мелиоратив экспедиция, унинг мелиоратив тизимлари, районлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари рўйхати.

5. «_____» насос станциялари бошқармаси томонидан хизмат кўрсатиладиган вилоят суғориладиган ерларининг масштабли (1:25000 ёки 1:50000) харитаси, унда ирригация тизими бошқармалари, сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари чегаралари, сув объектлари (ирригация ва коллектор-дренаж тизимлари, насос станциялари, суғориш қудуқлари ҳамда вертикал дренаж қудуқлари ва улардаги асосий иншоотлар), сув айиргичларнинг рўйхатдан ўтказилган тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

6. Манбалар бўйича сувдан фойдаланувчиларнинг ҳисоб-китоб режаси ва сув олишнинг чекланган ҳажми.

7. Бошқарма фойдаланадиган коллектор-дренаж тармоғи сувларининг сарфланиши ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

8. Сув ресурсларини ҳисобга олишни ташкил этиш тадбирлари режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни
махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
16-ИЛОВА

**Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун
мелиоратив экспедициялар томонидан тақдим
этиладиган материаллар
РЎЙХАТИ**

1. Мелиоратив экспедициянинг сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, корхонанинг барча реквизитлари кўрсатилган аризаси.

2. Мелиоратив экспедиция балансидаги мелиоратив тизимларнинг ва асосий коллекторларнинг, гидротехника иншоотларининг, шу жумладан гидростреллар, мелиоратив тармоқ, сув қабул қилувчиларнинг рўйхати, улар-

нинг техник тавсифлари (номи, узунлиги, сув ўтказиш қуввати, ўртача кўп йиллик коллектор-дренаж оқимлари, коллектор-дренаж сувларининг сифати ва бошқалар).

3. Иловага мувофиқ мелиоратив экспедиция томонидан хизмат кўрсатиладиган магистрал каналлар (тизимлар) бошқармалари, ирригация тизимлари, насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари, сув истеъмолчилари уюшмалари, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчиларининг рўйхати.

4. Мелиоратив экспедиция томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг масштаби (1:25000 ёки 1:50000) харитаси, унда мелиоратив тизимлар ва районлар, бошқа сувдан фойдаланувчилар ва сув истеъмолчилари чегаралари, сув объектлари (ирригация ва мелиоратив тизим, коллектор-дренаж сувларини қабул қилувчилар, мелиоратив тизимларда ўрнатилган насос станциялари, вертикал дренаж қудуқлари, улардаги асосий иншоотлар), сув айиргичларнинг рўйхатдан ўтказилган сув оқизиш тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

5. Мелиоратив экспедиция томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг мелиоратив харитаси, мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

6. Мелиоратив экспедиция томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган майдонда жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари тўғрисидаги ахборот.

7. Сувдан фойдаланишнинг ҳисоб-китоб режаси ва сув олишнинг ҳамда мелиоратив тизимлардан коллектор-дренаж сувларини оқизиш юборишнинг чекланган ҳажми.

8. Коллектор-дренаж тармоғи сувининг сарфланиши ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

9. Мелиоратив тизимнинг ишончилигини ошириш тадбирлари, ерларнинг мелиоратив ҳолати мониторинги, коллектор-дренаж сувларини оқизиш юбориш ҳисобини юритиш, унинг сифатини яхшилаш ва миқдорини камайтириш режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
17-ИЛОВА

Сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома олиш учун сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан тақдим этиладиган материаллар РЎЙХАТИ

1. Сув истеъмолчилари уюшмасининг (кейинги ўринларда уюшма деб аталади) сувдан махсус фойдаланиш учун рухсатнома бериш тўғрисида фирма бланкасидаги, унинг барча реквизитлари кўрсатилган аризаси.

2. Уюшманинг вилоят адлия бошқармасида рўйхатдан ўтказилган устави нусхаси.

Уюшма балансидаги объектларнинг рўйхати, номи ва тавсифлари (узунлиги, сув сарфлашнинг энг кўп миқдори, сув айиргичларнинг сони ва номи, копламаларнинг мавжудлиги, фойдали иш коэффициенти). Гидротехника иншоотларининг техника билан жиҳозланганлиги ва лойиҳадаги қуввати.

3. Хизмат кўрсатиладиган сув истеъмолчилари ва сувдан фойдаланувчиларнинг рўйхати, унда уларнинг ер майдонлари ва суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати тавсифи, шунингдек бошқа маълумотлар кўрсатилади.

4. Уюшма томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг масшабли (1:10000) харитаси, унда фермер хўжаликлари ва бошқа сув истеъмолчилари суғориладиган ерларининг чегаралари, уларнинг суғориладиган участкалари контурлари, фойдаланиладиган сув объектлари (суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, насос агрегатлари, суғориш қудуқлари ва вертикал дренаж қудуқлари ва улардаги асосий иншоотлар), рўйхатдан ўтказилган сув тақсимлаш тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

5. Уюшма томонидан хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерларнинг мелиоратив харитаси ҳамда уларнинг мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

6. Уюшма хизмат кўрсатадиган суғориладиган майдонда жойлаштирилладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг асосий турлари тўғрисидаги ахборот.

7. Уюшма хизмат кўрсатадиган зоналарининг гидромодул райони ва қишлоқ хўжалиги экинлари суғориш режимлари тўғрисидаги ахборот.

8. Суғориш тармоғининг фойдали иш коэффициенти хисобга олган ҳолда манбалар бўйича уюшма томонидан сувдан фойдаланишнинг ҳисобланган режаси ва сув олишнинг чекланган ҳажми.

9. Уюшма фойдаланадиган коллектор-дренаж тармоғи сувларининг сарфи ва сифати тўғрисидаги маълумотлар.

10. Суғориш тармоғи фойдали иш коэффициенти ошириш, уларнинг техник ҳолатини, сув ресурсларини ҳисобга олишни яхшилаш ва улардан оқилона фойдаланиш, дренаж сувларини оқизиб юборишни қисқартириш ва уларнинг сифатини яхшилаш тадбирлари режаси.

Сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисидаги низомга
18-ИЛОВА

Сувни махсус истеъмол қилишга рухсатнома олиш учун сув истеъмолчилари уюшмалари хизмат кўрсатадиган фермер ёки деҳқон хўжаликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа сув истеъмолчилари томонидан тақдим этиладиган материаллар РЎЙХАТИ

1. Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчисининг махсус сув истеъмолига рухсатнома бериш тўғрисидаги аризаси фирма бланкасида, уларнинг барча реквизитлари кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилади.

2. Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалигини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчисини ташкил этиш тўғрисида вилоят ва туман ҳокими қарорининг нусхалари, шунингдек улар уставининг нусхаси ва бошқалар.

3. Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчиси ер участкасининг туман ер ресурслари бўлими томонидан ишлаб чиқилган масштабли (1:10000) харитаси, унда қуйидагилар кўрсатилади:

уни суғориладиган участкаларининг контурлари, уларни майдонлари ва балл бонитети;

фойдаланиладиган сув объектлари (суғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари, насос агрегатлари, суғориш қудуқлари, вертикал дренаж қудуқлари ва улардаги иншоотлар), рухсат этилган сув тақсимлаш тармоқлари ва бошқалар кўрсатилади.

4. Сув олиш иншоотларининг ва коллектор-дренаж сувларини оқизиб юбориш иншоотларининг рўйхати, шунингдек уларнинг сувни бошқариш ва ҳисобга олиш воситалари билан жиҳозланганлик ҳолати.

5. Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчисининг суғориладиган ер участкасида жойлаштириладиган қишлоқ хўжалиги экинларининг турлари тўғрисидаги ахборот. Охирги уч йилда қишлоқ хўжалиги экинларининг амалда жойлаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар (статистика органлари маълумотлари бўйича).

6. Мелиоратив картограмма ва мелиоратив экспедиция маълумотлари

бўйича фермер ёки деҳқон хўжалиги суғориладиган майдонининг мелиоратив ҳолати тўғрисидаги маълумотлар.

7. Сув истеъмолчилари уюшмаси томонидан хизмат кўрсатиладиган фермер ёки деҳқон хўжалиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳамда бошқа сув истеъмолчиси суғориладиган участкасининг гидромодул райони ва қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш режими тўғрисидаги ахборот.

8. Сув истеъмолининг ҳисобланган режаси ва суғориш тармоғининг фойдали иш коэффицентини ҳисобга олган ҳолда манбалар бўйича сув олишнинг чекланган ҳажми (ҳажм-нетто, ҳажм-брутто).

Мелиоратив экспедиция маълумотлари бўйича коллектор-дренаж сувларининг норматив-ҳисобланган ҳажми.

9. Мелиоратив экспедиция маълумотлари бўйича фермер хўжалиги томонидан фойдаланиладиган коллектор-дренаж сувининг сифати ва ифлосланганлиги тўғрисидаги маълумотлар.

10. Суғориш тармоғининг фойдали иш коэффицентини ошириш, унинг техник ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларини ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланиш, дренаж сувларини қисқартириш ва уларнинг сифатини яхшилаш ва бошқалар бўйича мўлжалланган тадбирлар тўғрисидаги ахборот.